

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД  
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ИНФОРМАТИКА КАФЕДРАСИ**

**MS DOS ОПЕРАЦИОН ТИЗИМИДА КАТАЛОГ  
ВА ФАЙЛЛАР БИЛАН ИШЛАШ.  
NORTON COMMANDER ҚОБИҚ ДАСТУРИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ**

**(Талабаларнинг «Информатика» фанидан лаборатория  
ишлари, амалий машғулотларни бажаришлари ҳамда мустақил  
ишлашлари учун услубий кўрсатма)**

**С а м а р қ а н д – 2006 йил**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД  
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ИНФОРМАТИКА КАФЕДРАСИ**

**«Тасдиқлайман»  
СамДАҚИнинг ўқув ишлари  
бўйича проректори  
т.ф.д., профессор**

**Соатов Ў. А.**

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2006 йил

**СамДАҚИ ўқув-услубий  
адабиётларни чоп қилиш  
кенгашида кўриб чиқилган  
ва тасдиқланган.**

**Баённома № \_\_\_\_\_**

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2006 йил

**MS DOS ОПЕРАЦИОН ТИЗИМИДА КАТАЛОГ  
ВА ФАЙЛЛАР БИЛАН ИШЛАШ.  
NORTON COMMANDER ҚОБИҚ ДАСТУРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.  
(Талабаларнинг «Информатика» фанидан лаборатория  
ишлари, амалий машғулотларни бажаришлари ҳамда мустақил  
ишлашлари учун услубий кўрсатма)**

**С а м а р қ а н д – 2006 йил**

Услубий кўрсатма талабаларнинг «Информатика» фанидан «**MS DOS** операцион тизимида каталог ва файллар билан ишлаш» ва «**Norton Commander** қобик дастуридан фойдаланиш» мавзусида лаборатория ишлари, амалий машғулотларни бажаришлари ҳамда мустақил ишлашлари учун мўлжалланган. Услубий кўрсатмада операцион тизим нима ва унинг турлари, вазифаси, файл ва каталог тушунчалари, Norton Commander қобик дастури, унинг вазифаси, имкониятлари бўйича маълумотлар берилган.

Услубий кўрсатмада лаборатория ишини бажариш учун вариант топшириқлари берилган. Топшириқларни танлаш гуруҳ журналидаги талабаларнинг тартиб рақами бўйича олинади. Шунингдек, талабалар ўзларининг олган билимини мустақил равишда текшириб кўриш мақсадида мавзулар бўйича тест саволлари келтирилган.

Услубий кўрсатма кафедранинг 2006 йил 7 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида муҳокама қилинган ва чоп этиш учун тавсия қилинган(Баённома № 2).

**Тузувчилар:** ф.-м.ф.н., доцент Назаров У. А.  
катта ўқитувчи Каримов А. А.

**Тақризчилар:** Тошкент Ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали «Информатика ва ахборот технологиялари» кафедраси мудири Қаршиев А.Б.  
Самарқанд Давлат Архитектура-Қурилиш институти «Информатика» кафедраси доценти Ҳикматов Ҳ.Ҳ.

Нашр белгилари: СамДАҚИ, қоғоз бичими А4, буюртма 215, адади 50, хажми 1,5 босма табоқ.

### Лаборатория иши мавзуси:

## MS DOS ОПЕРАЦИОН ТИЗИМИДА КАТАЛОГ ВА ФАЙЛЛАР БИЛАН ИШЛАШ

**Ишнинг мақсади:** Талабаларга MS DOS операцион тизими ва унинг вазифаси, операцион тизим ёрдамида каталог ва файллар билан ишлаш буйруқларини ўргатиш ҳамда амалий иш фаолиятида фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиши кўзда тутилган.

Лаборатория ишини бажариш учун зарур асбоб ускуналар сифатида замонавий компьютер ва унинг қўшимча қурилмаларидан фойдаланилади.

Ўқитувчи лаборатория дарсини қуйидаги режа асосида олиб бориши тавсия этилади:

1. Операцион тизим нима ва унинг вазифаси.
2. MS DOS операцион тизимини юклаш.
3. Клавиатура тугмачалари билан танишиш.
4. Керакли дист мундарижасини экранга чиқариш.
5. Бир дискдан иккинчи дискга ўтиш.
6. Файл тушунчаси, унинг номи, кенгайтмаси. Файл атрибути.
7. Каталог тушунчаси, унинг номи.
8. Янги файл очиш ва маълумот ёзиш.
9. Файлнинг мазмунини кўриш.
10. Файлни бир дискдан бошқа дискга нусхалаш.
11. Файлни қайта номлаш.
12. Дискдаги файлларни ўчириш.
13. Каталог ташкил қилиш.
14. Каталогга кириш.
15. Каталогни ўчириш.
16. Бир нечта файлларни бирлаштириш.
17. Дискни форматлаш.
18. Ўчирилган файлни қайта тиклаш.
19. Файлни чоп қилиш.
20. Компьютердан жорий сана ва вақт ҳақида маълумот олиш ва ўрнатиш.
21. Экранни маълумотдан тозалаш.
22. MS DOS операцион тизимида ишни тугаллаш.

Қуйида қисқача назарий маълумотлар ва кўрсатмалар берилган.

**Операцион тизим нима ва унинг вазифаси.** Операцион тизим компьютер ишга туширилиши билан юкланувчи шундай дастурки, бу дастур фойдаланувчига компьютер билан мулоқот қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади, унинг барча қурилмалари ишини бошқариш имконини беради. Операцион тизим ёрдамида тезкор хотирадан фойдаланиш, дисклардаги

ахборотларни ўқиш ёки дискларга йиғиш, амалий дастурларни ишга тушириш ва шу каби ишларни амалга ошириш мумкин. Умуман олганда, операцион тизимлар компьютердан фойдаланишни осонлаштирувчи тизим дастурларининг ядросини ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда турли операцион тизимлар мавжуд. Масалан: MS DOS, WINDOWS 95, WINDOWS 98, WINDOWS 2000, WINDOWS NT, WINDOWS XP, MACINTOSH, WARP, UNIX, PC DOS, OS/2 ва ҳоказо.

MS DOS операцион тизими(ОТ) IBM фирмаси буюртмасига мувофиқ Microsoft фирмаси томонидан 1981 йилда яратилган. Ҳозирги вақтда барча фойдаланувчилар компьютерда Windows операцион тизимларидан фойдалансада, MS DOS ОТда яратилган дастурлар ҳанузгача қўлланилмоқда.

MS DOS ОТнинг асосини IO.SYS, CONFIG.SYS, AUTOEXEC.BAT ва MS DOS.SYS дискли файллари ташкил этади, улар компьютернинг доимий хотирасида жойлашган.

MS DOS операцион тизимининг ҳанузгача қўлланилиб келишининг асосий сабаблари қуйидагилардир:

- шахсий компьютерларда қўлланилаётган асосий юқловчи операцион тизим файллари шикастланганда уни қайта тиклашда;
- оригинал ўрнатувчи пакетлар йўқолганда тизимни қайта ўрнатишда;
- жорий қаттиқ дискни бўлақларга ажратишда ва бошқалар.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, MS DOS нинг буйруқлари тизими бузилган дисклардаги маълумотларни нусхалаш ва тиклашда муҳим рол ўйнайди.

**MS DOS операцион тизимини юклаш.** Бугунги замонавий компьютер тизимларида унга асосий қилиб ўрнатилган операцион тизим компьютер ёқилганидан бошлаб автоматик равишда юкланади. Ундан MS DOS операцион тизимини ишга тушириш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Масалан, Windows 98 операцион тизимида MS DOS операцион тизимини ишга тушириш учун **Пуск** тугмачасига кирилиб, ундан **Программы** банди танланади ва у ердан **Сеанс MS DOS** буйруғи ишга туширилади.

Агар DOS фойдаланувчи билан мулоқотга тайёр бўлса, у ҳолда компьютер экранида қуйидаги таклифнома пайдо бўлади:

**A:\> ёки C:\>**

Бирор буйруқни компьютерга киритиш учун, уни дастлаб клавиатура қурилмасидан териш ва сўнгра [Enter] тугмачасини босиш лозим.

**Клавиатура тугмачалари билан танишиш.** Қуйида компьютер билан ишлаш жараёнида клавиатуранинг асосий тугмачалари ва уларнинг вазифаси келтирилган.

- **[Enter]** тугмачаси қатор ниҳоясида босилади;
- **[Delete]** тугмачаси курсордан ўнг томонда жойлашган символларни ўчиради;
- **[BackSpace]** тугмачаси курсордан чап томонда жойлашган символларни ўчиради;
- **[Insert]** тугмачасидан икки режимда символларни киритиш учун,

яъни мавжуд символни суриб ёки ўрнига янги символни алмаштириб киритишда қўлланилади;

- [→], [←], [↑], [↓] тугмачалари курсорни мос ҳолда суради;
- [Ctrl]→[C] тугмачалари қандайдир ҳаракатдан чиқишда, масалан, дастур бажарилишини тўхтатишда ишлатилади;
- [Ctrl]→[Alt]→[Del] компьютерни қайта ишга тушириш учун хизмат қилади;
- [Shift] тугмачаси бош ҳарф билан ёзишни таъминлайди;
- [Caps Lock] тугмачаси фақат бош ҳарф билан ёзишни таъминлайди;
- [Home] тугмачаси курсорни сатрнинг бошига суради;
- [End] тугмачаси курсорни сатрнинг охирига суради;
- [Page Up] тугмачаси курсорни бир саҳифа олдинга суради;
- [Page Down] тугмачаси курсорни бир саҳифа орқага суради;
- [Esc] тугмачаси киритилган буйруқни бекор қилади.

**Диск мундарижасини экранга чиқариш.** Диск(ёки каталог) мундарижасини экранга чиқариш учун **Dir** буйруғи ишлатилади.

Масалан: **C:\>Dir** – буйруғи бажарилиш натижасида **C** диск мундарижаси экранга чиқарилади; **C:\>dir\Windows** – буйруғи бажарилиш натижасида **Windows** каталоги мундарижаси экранга чиқарилади.

Барча чиқарилувчи маълумотларни зимдан назорат қилиш мақсадида /P – махсус кўрсаткичи буйруқ ниҳоясида берилади. Бу параметрнинг ёрдами шундан иборатки, маълумотлар билан компьютер экрани тўлгандан кейин, навбатдаги маълумотлар экранга чиқмайди. Фойдаланувчи навбатдаги маълумотларни кўриш учун ихтиёрий тугмачани босади. /W – махсус кўрсаткич ёрдамида DIR буйруғи фақат файлларнинг тури ва номини беради холос, бунда маълумотлар устун кўринишда эмас, балки қатор кўринишида бўлади.

**Бир дискдан бошқа диска ўтиш.** Бир дискдан бошқа дискка ўтиш учун, масалан, **A** дискдан **C** дискка ўтиш учун **A:>C:** ва [Enter] тугмачаси босилади ва аксинча, **C** дискдан **A** дискка ўтиш учун **C:>A:** ва [Enter] тугмачаси босилади.

**Файл тушунчаси, унинг номи, кенгайтмаси. Файл атрибути.** Каттик диск ва юмшоқ дисклардаги барча маълумотлар файлларда сақланади. Дисклар лотин алфавитининг ҳарфлари билан белгиланади, масалан, **A:**, **B:**, **C:**, **D:** ва ҳоказо. Одатда, юмшоқ дискларга мўлжалланган диск юритувчилар **A:** ва **B:** диск юритувчи, **C:**, **D:** ва ҳоказолар қаттик диск (винчестер) учун ажратилган бўлади.

**Файл - маълум бир маълумот сақланувчи дискнинг номланган соҳаси.** Демак, ҳар бир файл ўз номига эга бўлиши, уни фойдаланувчи ва операцион тизим тушуниши ва ишлатиши керак. Дискда маълумотни бошқа бир йўсинда ёзиб бўлмайди. Ҳаттоки, биргина сўз ёки ҳарфни масалан, “а” ҳарфини дискка ёзиш лозим бўлса унга ном бериб, файл кўринишида дискка ёзиш керак.

Файллар икки турда, матнли ва иккилик тизимида бўлади. Матнли файл фойдаланувчи ўқиши учун мўлжалланган. Файлларни, одатда, иш жараёнида фойдаланувчи ташкил этади.

Файлнинг асосий белгилари – унинг номи, узунлиги(байт ҳисобида), ташкил этилган санаси (кун, ой, йил), вақти (соат ва дақиқа) ҳисобланади. Файл номи, ҳажми, ташкил қилинган санаси ва вақти унинг **атрибути** дейилади. Файл асосий номга ва кенгайтмага(узунлиги асосан учта символдан иборат бўлади) эга бўлиши мумкин. Файл номи ва унинг кенгайтмаси бир-биридан нукта билан ажратилади, масалан,

**autoexec.bat**

**turbo.exe**

**anketa.doc**

Файл номи ва кенгайтмаси катта ёки кичик латин алифбоси ҳарфлари, сонлар ва символлардан иборат бўлиши мумкин.

Файлнинг номида унинг кенгайтмасини бериш шарт эмас, лекин файл мазмунига қараб кенгайтма берилса, уни ишлатиш қулай бўлади. Кўпчилик амалий дастурлар файл кенгайтмасига қараб тезда юкланади, бу эса, ўз навбатида вақтни тежайди. Масалан,

- .exe, .com - бажарилувчи дастурлар;
- .bat - буйруқли (Batch) файллар;
- .bas - Бейсикдаги дастур;
- .pas - Паскалдаги дастур;
- .doc - Word матн муҳарриридаги матнли файл;
- .xls - Excel электрон жадвалидаги жадвалли файл ва ҳоказо.

**\* ва ? белгиларининг ишлатилиши.** Файлларни қисқача ном- лашда \* ва ? белгилари ишлатилади. \* симболи файл номи ва кенгайтмасидаги ихтиёрий сондаги символларни белгилайди. ? симболи файл номи ва кенгайтмасидаги ихтиёрий битта символни белгилайди.

Масалан:

**\*.doc** – дискдаги кенгайтмаси .doc бўлган барча файллар;

**\*.\*** – дискдаги барча файллар;

**p\*.e\*** – дискдаги номи p ҳарфи, кенгайтмаси e ҳарфи билан бош- ланадиган барча файллар;

**? .doc** – дискдаги номи битта символдан иборат кенгайтмаси .doc бўлган барча файллар;

**Каталог тушунчаси, унинг номи.** Магнит дискларида файл номлари каталогда сақланади. **Каталог** –файл номлари, унинг ҳажми, ташкил этилган санаси ва бошқа хоссалари ҳақида маълумотларни сақлайди. Каталоглар ҳам файллар каби номланади, лекин унинг кенгайтмаси бўлмайди. Дискда бир нечта каталог бўлиши мумкин. Каталог ичида бошқа каталоглар жойлашиши мумкин. Бу ҳолатда ташқи каталог - **туб каталог**, ички каталог **ост каталог** деб аталади. Фойдаланувчи ишлаётган каталог **жорий каталог** саналади.

**Янги файл очиш.** Янги файл очиш учун **copy con** буйруғи ишлатилади. Масалан, с дискда янги файл ташкил қилиш учун **C:\>copy con <файл номи>**

буйруғи киритилади ва 2 марта **[Enter]** тугмачаси босилади. Сўнгра **F6**(ёки **Ctrl→Z**) тугмачаси босилади. Экранда **^Z** белгиси пайдо бўлади ва яна **[Enter]** босилади.

**Файл мазмунини кўриш(type буйруғи).** Матнли файл мазмунини экранга чиқариш учун **type** буйруғи қўлланилади. Масалан:

**C:\>type nti.txt** – буйруғи **nti.txt** файл мазмунини экранга чиқаради. Экранны чиқаришни тўхтатиш учун **[Ctrl]→[S]** тугмачаларини кетма-кет босиш лозим, шу тугмачаларни қайта босиш эса, экранга чиқаришни тиклайди. Экранны чиқаришни тамомлаш учун **[Ctrl]→[C]** ёки **[Ctrl]→[Break]** тугмачалари босилади.

**Файл ёки файллар гуруҳини нусхалаш(copy буйруғи).** Файл ёки файллар гуруҳини бир дискдан бошқа дискка, ёки бир каталогдан бошқа каталогга нусхалаш учун **copy** буйруғи қўлланилади.

Масалан: **A:\>copy \*.\* C:** – буйруғи **A** дискдаги барча файлларни **C** дискка нусхалаш учун; **C:\>copy papers A:** – буйруғи **papers** каталогини **C**дискдан **A** дискка нусхалаш учун қўлланилади.

**Файлни қайта номлаш(rename буйруғи).** Файлни қайта номлаш учун **ren** буйруғи қўлланилади. **Буйруқ формати: ren 1-файл номи 2-файл номи.** Бундай вақтда дастлаб файлнинг эски номи, сўнгра эса янги номи берилади.

Масалан, **C:\>work>ren nti.txt nti5.txt** буйруғи **nti.txt** файлига **nti5.txt** янги номини беради.

**Дискдаги файлларни ўчириш(del буйруғи).** Файл ёки файллар гуруҳини ўчириш учун **del** буйруғи қўлланилади.

**Буйруқ формати: del файл номи**

Масалан, **C:\>del \*.\* – C** дискдаги барча файлларни ўчириш учун;

**C:\>del \*.doc – C** дискдаги барча **.doc** кенгайтмали файлларни ўчириш учун;

**c:\>del nti.bas – буйруғи nti.bas** файлини ўчириш учун хизмат қилади.

**Каталог ташкил қилиш(md(make directory) буйруғи).** Янги каталог ташкил қилиш учун **md** буйруғидан фойдаланилади.

Масалан: **C:\>work>md tiko**—буйруғи бажарилиши натижасида, **work** каталоги ичида **tiko** каталоги ташкил қилинади.

**Каталогга кириш(cd(change directory) буйруғи).** Каталогга кириш учун **cd** буйруғи қўлланилади. Масалан, куйидаги буйруқ мос ҳолда, **c:\>cd tiko – tiko** каталогига кириш учун хизмат қилади.

**Каталогни ўчириш(rd(remove directory) буйруғи).** Каталогни ўчириш учун дастлаб унинг ичидаги файллар ўчирилади. Сўнгра бўш каталогни ўчириш учун **rd** буйруғи қўлланилади. Масалан, **C:\>work>rd tiko – буйруғи tiko** номли (фақат бўш) каталогни ўчиради.

**Бир нечта файлларни бирлаштириш. copy** буйруғидан бир нечта файлларни бирлаштириш ва натижада, янги битта файл ташкил қилиш учун ҳам фойдаланиш мумкин, у ҳолда бирлаштирувчи файллар орасига “+” белгиси қўйилади.

Масалан, `C:\>copy a1+a2+a3 a4` – буйруғи **a1**, **a2** ва **a3** файлларни бирлаштириб, янги **a4** файлини ташкил этади.

**Дискни форматлаш(format буйруғи).** Дискларни биринчи мартаба ишлатишдан олдин у билан **DOS** тизими учун мулоқотга имконият яратилиши лозим. Бунинг учун дискни форматлаш керак бўлади.

**Буйруқ формати: format диск номи: [ параметрлар]**

А дискни форматлаш учун куйидаги буйруқ берилади: `C:\>format A:`

Мабодо, дискга қандайдир маълумотлар ёзилган бўлса, у **format** буйруғи берилиши билан ўчирилади. Буйруқ берилгандан кейин экранда куйидаги сўров пайдо бўлади.

**Insert new diskette to drive x: and strike enter when ready**(дискетни қўйинг ва [Enter] тугмачасини босинг).

Агар диск яроқсиз бўлса, у ҳолда **Track 0 bad — disk unusable** (0-йўл яроқсиз, дискдан фойдаланиш мумкин эмас) хабар пайдо бўлади.

Диск форматлангандан кейин яна куйидаги сўров пайдо бўлади: **format another (Y/N)?** {яна форматлаш керакми (Y-ха, N-йўқ)?}

Фойдаланувчи эса, ўз навбатида керакли маълумотни бериши лозим.

**Ўчирилган файлни тиклаш(qu буйруғи).** Бехосдан ўчирилган файл ёки файлларнинг эски нусхасини тиклашда **qu** буйруғи қўлланилади. Масалан, `c:\>qu nti.txt` – буйруғи **nti.txt** номли файлни мазкур каталогда қайта тиклаш учун қўлланилади.

`C:\>qu *.txt` – буйруғи мазкур каталогдаги барча қўшимча **.txt** номли файлларни қайта тиклаш учун қўлланилади, бу ҳолда барча файллар номининг бош ҳарфлари сўралади.

Бехосдан ўчирилган файлни қайта тиклашда экранда куйидаги савол пайдо бўлади: **Do you wish guick — unerase this file (Y/N)?**

(Бу файлни тиклашни сиз хоҳлайсизми Y/N)? Агар файлни тиклаш зарурати бўлса, “Y”–ха, акс ҳолда, “N”–йўқ жавобини бериш лозим.

**Файлни чоп қилиш.** Файлни қоғозга чоп қилиш учун **Print** буйруғи ишлатилади. Масалан, `C:\>print nti.txt` – буйруғи бажарилиш натижасида **nti.txt** файли чоп қилиш қурилмасига чиқарилади.

**Компьютердан жорий сана ва вақт ҳақида маълумот олиш ва ўрнатиш.** Компьютердан жорий сана ҳақида маълумот олиш учун **Date** буйруғи ишлатилади. Масалан, `C:\>Date` буйруғи бажарилиш натижасида экранга жорий сана(кун, ой ва йил) ҳамда янги маълумот киритиш(Введите новую дату (дд-мм-гг):) ҳақида маълумот пайдо бўлади. Компьютердан жорий вақт ҳақида маълумот олиш учун **Time** буйруғи ишлатилади. Масалан, `C:\>Time` буйруғи бажарилиш натижасида экранга жорий вақт ҳамда янги маълумот киритиш(Введите новое время: ) ҳақида маълумот пайдо бўлади.

**Экранни маълумотдан тозалаш.** Компьютер экранини маълумотдан тозалаш учун **Cls** буйруғи ишлатилади. Масалан, `C:\>Cls` буйруғи бажарилиш натижасида экран тозаланади ва экраннинг биринчи қаторида **MS DOS** нинг янги буйруқлар сатри пайдо бўлади.

**MS DOS операцион тизимида ишни тугаллаш.** Бунинг учун MS DOS буйруқлар сатрида exit буйруғи киритилади ва [Enter] тугмачаси босилади, яъни C:\>exit ва [Enter].

### Лаборатория ишларини бажариш учун вариант топшириқлари

Қуйидаги вариант топшириқларини MS DOS операцион тизими буйруқларидан фойдаланиб бажаринг						
1.	Клавиатуранинг асосий тугмачалари вазифаси	Dir буйруғининг вазифаси	Дисклар қандай номланади	А дискни форматлаш	MS DOS да янги ката-лог ташкил қилиш	MS DOS операцион тизимини юклаш
2.	[Ctrl]→[C] тугмачалари вазифаси	Cd буйруғи вазифаси	А дискни тизимли форматлаш	Файл атрибутини	Каталог ва қисм ката-логлар тушунчаси	Файлни қай-та номлаш
3.	MS DOS нинг буйруқлар сатри	Сору буйруғининг вазифаси	Rd буйруғининг вазифаси	Файл мазмунини кўриш	Format буйруғининг вазифаси	* ва ? белгиларининг ишлатилиши
4.	Файл нима	*.* буйруғи нима ни билдиради	b1.txt ва b2.txt файлларини бирлаштириб b.txt файлини тузинг	del *.* буйруғи нимани билдиради	Янги ката-лог ташкил қилиш	С дискни тизимли форматлаш
5.	А дискни форматлаш	С дискда JAVA ката-логини тузиш	*.doc буйруғи нима ни билдиради	Бир дискдан бошқа дискга ўтиш	Del *.exe буйруғи нимани билдиради	Файлнинг асосий номи ва кенгайтмаси тушунчаси
6.	Файл атрибутини тушунчаси	сору *.* буйруғи нимани билдиради	А дискни тизимли форматлаш	? .doc буйруғи нимани билдиради	Windows каталоги мундарижасини экранга чиқариш	MS DOS нинг буйруқлар сатри
7.	Компьютер экранини	Каталогга кириш	сору *.* c: буйруғи нимани	del*. pas буйруғи нимани	p*.c* буйруғи нимани	[Ctrl]→[ALT]→[DEL] тугмачалари

	тозалаш буйруғи		билдиради	билдиради	билдиради	вазифаси
8.	C:\>A: буйруғи нимани билдиради	D дискни форматлаш	Янги каталог ташкил қилиш	Copy con буйруғи вазифаси	ren буйруғи вазифаси	md tiko буйруғи нимани билдиради
9.	A дискни форматлаш	cd.tiko буйруғи нимани билдиради	a1.txt ва a2.txt файлларини кўшиб a.txt номли файл тузинг	Файлнинг кенгайтмаси нима?	Cd буйруғи вазифаси	Жорий каталог мундарижасини кўриш
10.	C:\> нимани ифодалайди	C дискни форматлаш	Янги файл очиш	SamGASl номли каталог тузиш	Copy con буйруғи вазифаси	nti.txt файл мазмунини экранга чиқариш
11.	D дискни форматлаш	*.txt нимани ифодалайди	type nt.txt буйруғи нимани билдиради	C дискдаги каталогни ўчириш	Copy буйруғининг вазифаси	A дискдан C диска ўтиш
12.	A дискни тизимли форматлаш	*.* буйруғи нимани билдиради	copy *.* c: буйруғи нимани билдиради	D дискдаги DOS каталоги-га F1 осм каталоги тузиш	Type буйруғи вазифаси	C дискдан D диска ўтиш
13.	C дискни тизимли форматлаш	del *.com буйруғи нимани билдиради	copy буйруғи вазифаси	A дискда SAMl каталоги тузиш	dir буйруғи вазифаси	A:\> нимани ифодалайди
14.	D дискни тизимли форматлаш	del ?.txt буйруғи нимани билдиради	md bos буйруғи нимани билдиради	Каталог нима?	Ren буйруғи вазифаси	cd .. буйруғи нимани билдиради
15.	A дискни тизимли	dir P*.e* буйруғи	Файл нима	Файлни чоп	Del буйруғи	md bas буйруғи

	форматлаш	нимани билдиради		қилиш	вазифаси	нимани билдиради
16.	С дискни форматлаш	copy con akmal.txt буйруғи нимани билдиради	D:\> нимани ифодалайди	qu буйруғи вазифаси	Компьютердан жорий сана ҳақида маълумот олиш	cd BOM буйруғи нимани билдиради
17.	Файлни принтерда чоп қилиш	* ва ? белгилари вазифаси	del *.doc буйруғи нимани билдиради	Rd буйруғи вазифаси	Компьютердан жорий вақт ҳақида маълумот олиш	Компьютер экранини тозалаш буйруғи
18.	А дискни тизимли форматлаш	copy *.xls А: буйруғи нимани билдиради	cd dos буйруғи нимани билдиради	Файл атрибутини ма?	Md буйруғи вазифаси	C:\>B: буйруғи нимани билдиради
19.	С дискдаги .exe кенгайтмали файлларни ўчириш	А дискни форматлаш	*.* буйруғи нимани билдиради	Dir буйруғи вазифаси	С дискда FORT каталогини тузиш	D:\>*. * нимани ифодалайди
20.	Type буйруғининг вазифаси	С дискни форматлаш	del P*.* буйруғи нимани билдиради	D дискдаги .pas кенгайтмали файлларни ўчириш	А дискда FOR каталогини тузиш	copy *.* a: буйруғи нимани билдиради
21.	Cd буйруғи вазифаси	С дискни тизимли форматлаш	del *.com буйруғи нимани билдиради	Файлни чоп қилиш	С дискда ташкил қилинган каталогни ўчириш	C:\>Work>dir буйруғи нимани билдиради
22.	Copy буйруғи вазифаси	D дискни тизимли форматлаш	[Ctrl]→[Alt]→[Del] тугмачалари мажмуаси	Файлни қайта номлаш тартиби	С дискдаги FORT каталогини	MS DOS операцион тизими таклифи

			вазифаси		FOR номи билан қайа номлаш	
23.	Dir буйруғи вазифаси	C:\> нимани ифодалайди	Клавиатуранинг асосий тугмачалари вазифаси	Файл атрибутинима?	C дискдаги FORT каталогида a1.txt файлни тузиш	A дискни тизимли форматлаш
24.	Md буйруғи вазифаси	A:\>dir буйруғи нимани билдиради	Файл тушунчаси ва унинг номи	MS DOS операцион тизим ишини тугаллаш	A дискдаги барча файлларни C дискка нусхалаш	C дискни тизимли форматлаш
25.	Del буйруғи вазифаси	Файлни принтерда чоп қилиш	Компьютер экранини тозалаш буйруғи	Ташқи ва ички каталог тушунчаси	A дискдаги *.com кенгайтмали файлларни ўчириш	C дискни форматлаш
26.	Qu буйруғи вазифаси	cd MN буйруғи нимани билдиради	Жорий каталог нима?	C:\>type nti. txt буйруғи нимани билдиради	Компьютердан жорий сана ҳақида маълумот олиш	D дискни форматлаш
27.	Rd буйруғи вазифаси	C:\>V1>cd .. буйруғи нимани билдиради	Жорий диск тушунчаси	copy*.*A : буйруғи нимани билдиради	FORT каталогини ичида FUM каталогини тузиш	Format буйруғининг вазифаси
28.	Rep буйруғи вазифаси	Md R1 буйруғи нимани билдиради	Компьютердан жорий вақт ҳақида	del *.* буйруғи нимани билдиради	Каталог тушунчаси	C дискни тизимли форматлаш

			маълумот олиш			
--	--	--	------------------	--	--	--

### Лаборатория иши мавзуси:

## NORTON COMMANDER ҚОБИҚ ДАСТУРИДА КАТАЛОГ ВА ФАЙЛЛАР БИЛАН ИШЛАШ

**Ишнинг мақсади:** Талабаларга операцион тизим қобик дастурлари ва уларнинг вазифаси, Norton Commander қобик дастури ва унинг ёрдамида файл ҳамда каталоглар билан ишлаш ишлаш буйруқларини ўргатиш ҳамда ундан амалий иш фаолиятида фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиши кўзда тутилган.

Лаборатория ишини бажариш учун зарур асбоб, ускуналар сифатида замонавий компьютер ва унинг қўшимча қурилмаларидан фойдаланилади.

Ўқитувчи лаборатория дарсини қуйидаги режа асосида олиб бориши тавсия этилади:

1. Norton Commander қобик дастурини ишга тушириш.
2. Диск мундарижасини чап ёки ўнг панелга чиқариш.
3. Курсорни бир панелдан иккинчи панелга ўтказиш.
4. Norton Commander қобик дастурида ёрдам олиш.
5. Янги файл очиш.
6. Лотинча шрифтдан русча шрифтга ўтиш ва аксинча.
7. Файлга маълумот ёзиш.
8. Ёзилган маълумотни сақлаш.
9. Файлнинг мазмунини кўриш.
10. Файлни таҳрир қилиш.
11. Файлни бир дискдан бошқа дискга нусхалаш.
12. Файллар гуруҳини бир дискдан бошқа дискка нусхалаш.
13. Файлнинг номини ўзгартириш.
14. Файлни ўчириш.
15. Файллар гуруҳини ўчириш.
16. Каталог ташкил қилиш.
17. Каталогга кириш.
18. Каталогдан чиқиш.
19. Каталогни ўчириш.
20. Дискда қанча бўш жой борлигини аниқлаш.
21. Файлни тез излаб топиш.
22. Norton Commander қобик дастуридан чиқиш.

1. Windows операцион тизимида NC қобик дастурини ишга тушириш тартиби қуйидагича: **Пуск**→**Программы**→**Сеанс MS DOS** ва [Enter] босилади. Экранда пайдо бўлган MS DOS буйруқлар сатрида C:\>cd nc

буйруғини киритамиз ва [Enter] босилади. NC каталогдан ps.exe файлини ишга туширамиз. Дастур ишга туширилгандан сўнг, экранда иккита тўғри бурчакли панел(дарча) пайдо бўлади. Панелларнинг пастки қисмида MS DOS OT буйруқлар сатри, энг пастки қаторда эса функционал тугмачалар ([F1] дан [F10] гача) вазифалари ёзилган маълумот жойлашган.

2. Чап ва ўнг панелларга алоҳида-алоҳида дисклар мундарижасини чиқариш мумкин. Чап панелга диск мундарижасини чиқариш учун [Alt]→[F1] тугмачалари биргаликда босилади ва пайдо бўлган дисклар рўйхатидан керакли диск номи танланиб, [Enter] тугмачаси босилади. Ўнг панелга диск мундарижасини чиқариш учун [Alt]→[F2] тугмачаси босилади. Экранда файллардан ёки каталоглардан бири курсор (кўрсаткич) билан ажратиб кўрсатилади. Курсор турган диск ёки каталог жорий ҳисобланади.

3. Курсорни бир панелдан бошқасига ўтказиш учун [Tab] тугма-часи босилади.

4. Norton Commander қобик дастурида ёрдам олиш учун [F1] тугмачаси босилади.

5. Norton Commander қобик дастурида янги файл очиш учун [Shift]→[F4] тугмачалари босилади, сўнгра файлнинг номи киритилиб, [Enter] тугмачаси босилади.

6. Лотинча шрифтдан русча шрифтга ўтиш учун ва аксинча, русча шрифтдан лотинча шрифтга ўтиш учун махсус тугмача босилади, масалан, [Alt]→[Shift].

7. Файлга маълумот ёзиш учун курсор файл номига келтирилади ва [F4] тугмачаси босилади ва экранга керакли маълумот ёзилади.

8. Экрандаги маълумотни сақлаш учун [F2] тугмачаси босилади.

9. Файлнинг мазмунини кўриш учун курсор файл номига келтирилади ва [F3] тугмачаси босилади. Натижада, файл мазмуни экранда пайдо бўлади. Бунда файлни таҳрир қилиш мумкин эмас.

10. Файлни таҳрир қилиш учун файл номига курсор келтирилади ва [F4] тугмачаси босилади. Натижада, файл мазмуни экранда пайдо бўлади ва таҳрирлаш ишлари амалга оширилади.

11. Файлни бир дискдан бошқа дискга нусхалаш учун курсор файлга келтирилади ва [F5] тугмачаси босилади. Экран ўртасида файл нусхаланадиган манзил ҳақида сўров пайдо бўлади. Фойдаланувчи файл нусхаланадиган манзил(диск ва каталог)ни кўрсатиши лозим, акс ҳолда, иккинчи панелдаги жорий каталогга файл нусхаланади.

12. Файллар гуруҳини бир дискдан бошқа дискка нусхалаш учун дастлаб нусхаланиши керак бўлган файллар [Insert] тугмачаси орқали белгиланади ва [F5] тугмачаси босилади. Агар дискетдаги барча файллар бирданига нусхаланиши керак бўлса, у ҳолда файлларни клавиатуранинг ўнг томонида жойлашган “+” тугмачаси орқали белгилаш мумкин. У ҳолда экранда “\*.\*” белгиси пайдо бўлади ва [Enter] тугмачаси босилади. Натижада, барча файллар белгиланади ва [F5] тугмачаси босилади. Натижада, файллар навбатма-навбат нусхаланади.

13. Файлнинг номини ўзгартириш учун курсор файлга келтирилади ва [F6] (Renov ёки Нов.имя) тугмачаси босилади, экранда пайдо бўлган мулоқот ойнасига файлнинг янги номи киритилиб, [Enter] тугмачаси босилади. Файл ва каталогни янги ном бериш билан керакли жойга кўчириш ҳам мумкин.

14. Файлни ўчириш учун курсор файлга келтирилади ва [F8] (Delete ёки Удал-е) тугмачаси босилади ва экранда “ҳақиқатан ҳам файлни ўчирасизми” сўрови пайдо бўлади ва унга “ҲА”деб жавоб берилади.

15. Файллар гуруҳини ўчириш учун дастлаб ўчирилиши керак бўлган файллар [Insert] тугмачаси орқали белгиланади ва [F8] тугмачаси босилади. Агар дискдаги барча файллар бирданига ўчирилиши керак бўлса, у ҳолда файлларни клавиатуранинг ўнг томонида жойлашган “+” тугмачаси орқали белгилаш мумкин. У ҳолда экранда “\*.\*” белгиси пайдо бўлади ва [Enter] тугмачаси босилади. Натижада, барча файллар белгиланади ва [F8] тугмачаси босилади. Натижада, файллар навбатма-навбат ўчирилади.

16. Янги каталог ташкил қилиш учун [F7] (MkDir ёки Нов.кат) тугмачаси босилади ва экранда пайдо бўлган мулоқот ойнасига янги каталог номи киритилади ва [Enter] тугмачаси босилади. Натижада, диск мундарижасида янги каталог номи пайдо бўлади.

17. Каталогга кириш учун курсор каталогга келтирилади ва [Enter] тугмачаси босилади.

18. Каталогдан чиқиш учун курсор каталог мундарижасининг бошига келтирилади ва [Enter] тугмачаси босилади.

19. Каталогни ўчириш учун курсор каталог номига келтирилади ва [F8] тугмачаси босилади, сўнгра экранда пайдо бўлган саволга [Enter] тугмачасини босиш билан жавоб берилади.

20. Дискда қанча бўш жой борлигини аниқлаш учун [Ctrl]→[L] тугмачалари босилади. Экранда диск умумий ҳажми, ундан қанчаси банд ва қанча бўш жой борлиги тўғрисида маълумот пайдо бўлади.

21. Файлни тез излаб топиш учун [Alt]→[F7] тугмачалари босилади. Экранда мулоқат ойнаси пайдо бўлади ва унда изланаётган файл номи киритилади ҳамда [Enter] тугмачаси босилади.

22. NC қобик дастуридан чиқиш учун [F10] (Quit-Выход) тугмачаси босилади. Экраннынг ўрта қисмида NC қобик дастуридан чиқиш ҳақида сўров пайдо бўлади. Сўровга клавиатурадан [Y] (русча версияда Д ёзилган тугмачаси NC дан чиқиш учун, акс ҳолда [N] (русча версиясида Н) тугмачаси босилади.

**Лаборатория ишини бажариш учун вариант топшириқлари**

Қуйидаги вариант топшириқларини Norton Commander қобик дастуридан фойдаланиб бажаринг						
1.	[F1] тугма- часи вази- фаси	Файллар гу-руҳини ўнг панелдан чап панелга нусхалаш	ўнг панел- даги b1.txt файлини ўчириш	Чап па- нелдаги RAR ка- талогин и қайта номлаш	ўнг панел- дан чап па- нелга ўтиш	Чап панел- даги *.com кенгайтмал и файлларни ўнг панелга кўчириш
2.	[F2] тугма- часи вази- фаси	NC қобик дастуринин г афзаллик томонлари	Чап панел- ни яшириш	Чап па- нелдан ўнг панел-га ўтиш	NC дастури менюсига чиқиш	NC дастури- дан Windows- га қайтиш
3.	[F3] тугма- часи вази- фаси	Чап панел мундарижа -сини экран-га чиқариш	NC дастури- дан ёрдам олиш	Файл ва каталогл арни ташқил этилган санаси бўйича тартибл аш	Иккала па- нелни ҳам яшириш	Чап панел- даги *.bas кенгайтмал и файлларни ўчириб таш-лаш
4.	[F4] тугма- часи вази- фаси	ўнг панел мундарижа -сини экран-га чиқариш	Файл номи-ни ўзгар- тириш тар- тиби	Чап панел мундари -жасини экранга чиқариш	NC дастури менюсига чиқиш	Файлни бир каталогдан бошқасига нусхалаш
5.	[F5] тугма- часи вази- фаси	NC дасту- рида янги файл очиш	NUR ката- логини ту- зиш	Ўнг панел мундари -жасини экранга чиқариш	b1.txt файлни тахрирлаб, b2.txt номи билан қайта сақлаш	[F9] тугмача-си вази-фаси

6.	[F6] тугма-часи вази-фаси	Курсорни бир панелдан иккинчисига ўтказиш	NUR каталогини ўнг панелдан чап панелга кўчириш	Чап панел мундари-жасини экранга чиқариш	[F10] тугма-часи вази-фаси	Каталогга кириш
7.	[F7] тугма-часи вази-фаси	NC қобик дастурининг афзаллик томонлари	[F2] тугма-часининг вази-фаси	Чап панелни яшириш	Каталогдан чиқиш	[F1] тугмача-си вази-фаси
8.	[F8] тугма-часи вази-фаси	Чап панел кўринишини дарахт-симон шаклда ифодалаш	Ўнг панелни яшириш	Жорий диск нима?	«+» тугма-часи вази-фаси	[F3] тугмача-си вази-фаси
9.	[F9] тугма-часи вази-фаси	Файлларни барча атрибутлари бўйича ифода-лаш	Жорий каталог нима?	Шрифтларни алмашти-риш	NC дастурини ишга туши-риш	[F3] тугма-часи вази-фа-си
10.	[F10] тугмача-си вази-фаси	ўнг панел кўринишини дарахт-симон шаклда ифодалаш	Қобик дастур тушун-часи	[F1] туг-мачаси вази-фаси	Чап панел-ни дарахт-симон кў-ринишга келтириш	Ўнг панел-дан *.txt файллар гу-руҳини чап панелга кўчириш
11.	«+» туг-мачаси вази-фаси	Файл ва каталоглар-ни номлари бўйича тартиб-лаш	NC дасту-рини ишга тушириш	[F2] туг-мачаси вази-фаси	Файл номи-ни ўзгарти-риш	NC қобик дастурининг афзаллик томонлари
12.	[Del] тугмача-си вази-фаси	Ўнг панел-даги тизим-ли файл-ларни чап панелга кўчириш	Функцио-нал тугма-чалар нима?	[F5] туг-мачаси вази-фаси	Файллар гуруҳини ўчириш тартиби	Каталогдан чиқиш

13.	[ALT]→ F2] туг- мачалар и вазифас и	Ўнг панел- ни яшириб кўйиш	Чап панел- га дисклар мундарижа -сини чиқа- риш	[F6] тугмача си вазифас и	Жорий диск нима?	Дискдаги бўш жойни кўриш
14.	[ALT]→ [F1] туг- мачалар и вазифас и	Чап панел- ни яшириб кўйиш	Ўнг панел- га дисклар мундарижа -сини чиқа- риш	[F7] туг- мачаси вазифас и	Жорий ка- талог нима?	Файлни тез излаб топиш
15.	[Insert] тугмача- си вази- фаси	Файлни ўчириш	Экрандаги маълумот- ларни сақлаш	[F9] туг- мачаси вазифас и	Чап панел- дан ўнг панелга ўтиш	Ўнг панел мундарижа сини чиқариш
16.	[ALT]→ [Shift] тугмача- лари вазифас и	Файллар мажмуасин и ўчириш тартиби	Ўнг панел- ни фаол- лаштириш	[F10] тугмача си вазифас и	Қисм каталог тузиш	Чап панел мундарижа -сини чиқа- риш
17.	[ALT]→ [F7] тугмача- лари вазифас и	Каталогни ўчириш тартиби	Чап панел- ни фаол- лаштириш	[F4] туг- мачаси вазифас и	НС дастуридан чиқиш	Файллар гуруҳини нусхалаш
18.	[Ctrl]→ [L] туг- мачалар и вазифас и	Каталог гуруҳини ўчириш	Файлни тахрир қилиш	[F3] тугмача си вазифас и	Файлларни тез излаб топиш	Каталог ташқил қилиш
19.	[Tab] тугмача- си вази- фаси	Каталогга кириш	Файл мазмунини кўриш	[F8] тугмача си вазифас и	Жорий дискнинг ўлчамини кўриш	Экрандаги маълумотн и сақлаш

20.	Чап панелда янги каталог тузиш	Ўнг панелни фаоллаштириш	[F1] тугмачаси вази-фаси	Чап панелни яшириш	Чап панел мундарижа-сини кўриш	Чап панелдаги d1.txt файлни ўнг панелга кўчириш
21.	Ўнг панелда янги каталог тузиш	Чап панелни фаоллаштириш	[F2] тугмачаси вази-фаси	Ўнг панелни яшириш	Ўнг панел мундарижа-сини кўриш	Каталогни ўчириш
22.	Жорий каталог тушунчаси	Курсорни бир панелдан бошқасига ўтказиш	[F3] тугмачаси вази-фаси	НС дастуридан чиқиш	Экрандаги маълумотни сақлаш	Шрифтларни алмаштириш
23.	[ALT]→ [F1] тугмачалари вази-фаси	Ўнг панелни фаоллаштириш	[F4] тугмачаси вази-фаси	Панелларни яшириш	Файл мазмунини кўриш	Чап панелдаги барча файлларни белгилаш
24.	[ALT]→ [F2] тугмачалари вази-фаси	Чап панел мундарижа-сини кўриш	[F5] тугмачаси вази-фаси	Курсорни бир панелдан бошқасига ўтказиш	Жорий диск тушунчаси	Каталогни ўчириш
25.	[Shift]→ [F4] тугмачалари вази-фаси	Каталогни ўчириш	[F7] тугмачаси вази-фаси	*. bas ти-пидаги файлларни ўчириш	Барча файлларни каталогга нусхалаш	НС дастурини ишга тушириш
26.	[ALT]→ [Shift] тугмачалари вази-фаси	Файлни қайта номлаш	[F8] тугмачаси вази-фаси	Янги каталог ташкил қилиш	Дискда бўш жойни аниқлаш	Файллар гуруҳини нусхалаш

27.	[Tab] тугмача- си вази- фаси	Экрандаги маълумот и сақлаш	[F9] тугма- часи вази- фаси	Файл ва каталог- ларни ўл-чами бў-йича тар- тиблаш	Файлни ўчириш	Чап панелни яшириш
28.	[Insert] тугмача- си вази- фаси	Файлни тахрир қилиш	[F10] тугма-часи вази-фаси	Жорий диск ту- шунчаси	НС дасту- рини ишга тушириш	Ўнг панелни яшириш

### Назорат учун саволлар

1. Операцион тизимларнинг қандай турларини биласиз?
2. Операцион тизим вази-фаси нимадан иборат?
3. MS DOS операцион тизимини юклаш тартибини тушунтиринг.
4. MS DOS операцион тизимида янги файл очиш учун қандай буйруқ ишлатилади?
5. MS DOS операцион тизимида янги каталог ташкил қилиш учун қандай буйруқ ишлатилади?
6. Norton Commander қобик дастурида ишлашнинг афзаллик томонларини айтинг.
7. Norton Commander қобик дастурининг менюси тўғрисида тушунча беринг.
8. Norton Commander қобик дастури функционал тугмачалари вази-фаларини айтиб беринг.

### Тест саволлари

#### 1. Операцион тизим нима?

- a). фойдаланувчи буйруқларини тўлиқ бажарувчи ва қурилмаларни дастур асосида ишлашини таъминловчи драйверлар ҳамда дастурлардан ташкил топган дастур.
- b). матн муҳаррирларидан тузилган дастур пакети.
- c). Microsoft Office дастури.
- d). компьютер ва унинг қурилмаларидан иборат тизим.

#### 2. MS DOS ОТда C:\>del \*.\* буйруғи бажарилиш натижасини

**айтинг?**

- a). C дискдаги барча файллар ўчирилади.
- b). C дискдаги барча .doc кенгайтмали файллар ўчирилади.
- c). C дискдаги барча каталоглар ўчирилади.
- d). C дискдаги асосий номи битта символдан иборат барча файллар ўчирилади.

**3. MS DOS OTда C:\>copy \*.\* A: буйруғи бажарилиш натижасини айтинг?**

- a). C дискдаги барча файллар A дискка нусхаланади.
- b). C дискдаги барча каталоглар A дискка нусхаланади.
- c). C дискдаги барча файллар ўчирилади.
- d). C дискдаги асосий номи битта символдан иборат барча файллар ўчирилади.

**4. MS DOS OTда C:\>dir буйруғи бажарилиш натижасини айтинг?**

- a). C диск мундарижаси экранга чиқарилади.
- b). C дискдаги барча каталоглар A дискка нусхаланади.
- c). C дискдаги барча файллар ўчирилади.
- d). C дискдаги асосий номи битта символдан иборат барча файллар ўчирилади.

**5. MS DOS OTда C:\>ren tiko tiko5 буйруғи бажарилиш натижасини айтинг?**

- a). C дискдаги tiko файл номи tiko5 номига ўзгартирилади.
- b). C дискдаги tiko номли файл ўчирилади.
- c). C дискдаги барча файллар ўчирилади.
- d). C дискдаги асосий номи битта символдан иборат барча файллар ўчирилади.

**6. MS DOS OTда C:\>qu turbo.exe буйруғи бажарилиш натижасини айтинг?**

- a). turbo.exe файли мазмуни экранга чиқарилади.
- b). turbo.exe файли бошқа дискка ёки каталогга нусхаланади.
- c). ўчирилган turbo.exe файли қайта тикланади.
- d). turbo.exe файли ўчирилади.

**7. MS DOS OTда янги каталог ташкил қилиш учун қайси буйруқ ишлатилади?**

- a). cd    b). rd    c). md    d). ren

**8. MS DOS OTда каталогни ўчириш учун қайси буйруқ ишлатилади?**

a). copy b). rd c). md d). ren

**9. MS DOS OTда каталогга кириш учун қайси буйруқ ишлатилади?**

a). copy b). rd c). md d). cd

**10. Norton Commanderда янги каталог ташкил қилиш учун қайси тугмача босилади?**

a). [F3] b). [F4] c). [F5] d). [F7]

**11. Norton Commander дастурида файлни тахрирлаш учун қайси тугмача босилади?**

a). [F3] b). [F4] c). [F5] d). [F7]

**12. Norton Commander дастурида файлни нусхалаш учун қайси тугмача босилади?**

a). [F3] b). [F4] c). [F5] d). [F6]

**13. Norton Commander дастурида файлнинг номини ўзгартириш учун қайси тугмача босилади?**

a). [F1] b). [F2] c). [F5] d). [F6]

**14. Norton Commander дастурида файлни ўчириш учун қайси тугмача босилади?**

a). [F1] b). [F8] c). [F9] d). [F6]

**15. Norton Commander дастурида фақат файлнинг мазмунини кўриш учун қайси тугмача босилади?**

a). [F3] b). [F8] c). [F4] d). [F6]

**16. Norton Commander дастурида чап панелга диск мундарижасини чиқариш учун қайси тугмача босилади?**

a). [Alt]→[F1] b). [Alt]→[F2] c). [Ctrl]→[F1]

d). [Ctrl]→[L]

**17. Norton Commander дастурида ўнг панелга диск мундарижасини чиқариш учун қайси тугмача босилади?**

a). [Alt]→[F1]    b). [Alt]→[F2]    c). [Ctrl]→[F1]

d). [Ctrl]→[L]

**18. Norton Commander дастурида дискда қанча бўш жой борлигини билиш учун қайси тугмача босилади?**

a). [Alt]→[F1]    b). [Alt]→[F2]    c). [Ctrl]→[F1]

d). [Ctrl]→[L]

**19. Norton Commander дастурида менюга кириш учун қайси тугмача босилади?**

a). [F10]    b). [Alt]→[F9]    c). [Ctrl]→[F9]    d). [F9]

**20. Norton Commander дастурида ёрдам олиш учун қайси тугмача босилади?**

a). [F9]    b). [F10]    c). [F8]    d). [F1]

## А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. А р и п о в М.М. ва бошқалар. Информатика. Ахборот технологиялари. Т., 2002 й.
2. Л е в и н А. Самоучитель работы на компьютере. М., 2000 й.
3. Ф и г у р н о в В.Э. IBM PC для пользователя. М., «Инфра», 2003 й.
4. Рахманқулова С.И. IBM PC шахсий компьютерида ишлаш. Тошкент. 1998 й.
5. Х о л м а т о в Т.Х., Н а з а р о в У.А. Информатика. Информацион технологиялар. Самарқанд. СамДАҚИ. 2004 й.

## М У Н Д А Р И Ж А

	<b>бетлар</b>
1. MS DOS операцион тизимида каталог ва файллар билан ишлаш.....	4
2. Лаборатория ишларини бажариш учун вариант топшириқлари.....	11
3. Norton Commander қобик дастурида каталог ва файллар билан ишлаш.....	14
4. Лаборатория ишларини бажариш учун вариант топшириқлари.....	17
5. Назорат учун саволлар.....	19
6. Тест саволлари.....	20
7. Адабиётлар.....	23